

# “МУСТАҚИЛЛИК ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ

Тошкент вилояти,  
Куйичирчиқ тумани,  
Фурқат кўчаси, 1-уй

2022 йил 21 сентябрь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Тошкент вилояти, Куйичирчиқ тумани, Фурқат кўчаси, 1-уйда “Мустақиллик пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 1 006 560 дона.

“Мустақиллик пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2022 йил 30 августдаги 200/01/69-сонли таклифи инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2022 йил 30 августда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2022 йил 15 сентябрь.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига куйидагилар сайланди:

1. Р. Атаҳаджаев – “Тошкентпахтасаноат” ҚАБ АЖ вакили;
2. Н. Пардаев – бош директор.

Йиғилиш котиби этиб Э. Набиев – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизматчиси сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Р.Атаҳаджаев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Н. Хакимовага берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2022 йил 15 сентябрь ҳолатига шакллантирилган “Мустақиллик пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 437 та акциядорга тегишли 1 006 560 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда

975 734 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 1 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 96,94 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Н. Пардаев – жамият бош директори;

Н. Хакимова – жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори.

Йиғилишда раислик қилувчи Р.Атаҳаджаев йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

### **КУН ТАРТИБИ:**

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Р. Атаҳаджаев сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 2 та масала кўрсатилганлигини ва хар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2022 йил 30 августдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг иш ҳақи ҳисобчиси – Н. Ҳакимова, Жамиятнинг молия масалалари бўйича директори – Жамиятнинг акциядорлар ва корпоратив муносабатлар мутахасиси – Э. Набиев ва Жамиятнинг иш ҳақи ҳисобчиси М. Каланова номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 975 734 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:**

**1) Н. Ҳакимова**

**2) Э. Набиев**

**3) М. Каланова**

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Р.Атаҳаджаев сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун

“Тошкентпахтасаноат” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан Хаттобов Убайдулла Ботирович ўғли ўрнига “Тошкентпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссияси аъзоси Атаҳаджаев Рахим Султанович номзоди белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Р.Атаҳаджаев акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Тошкентпахтасаноат” АЖ томонидан кўрсатилган номзоддан:**

Атаҳаджаев Рахим Султанович:

**“Ёқлаганлар” – 975 734 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**


Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.


Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши **қарор қилади:**

**Хаттобов Убайдулла Ботирович ўғли жамият кузатув кенгаши аъзолигидан чиқарилиб ўрнига қуйидаги номзод сайлансин:**

**Атаҳаджаев Рахим Султанович – “Тошкентпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссияси аъзоси.**

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Р.Атаҳаджаев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:  **Р. Атаҳаджаев.**

Йиғилиш котиби:  **Э. Набиев**

Йиғилиш баённомаси имзоланган сана 2022 йил “26” сентябрь.